



THEORETICAL ISSUES OF REGIONAL SECURITY IN THE FOREIGN POLITICAL ACTIVITY OF UZBEKISTAN

Shokhista Amirova

Master's student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: The defense doctrine of the Republic of Uzbekistan, the speech of the President of the Republic of Uzbekistan at the 72nd session of the UN General Assembly, the Afghan problem, the Tashkent conference, the Samarkand conference.

Abstract: This article aims to determine the security issues of Central Asia, relations with bordering countries, the development of mutual relations and plans that can be implemented in the future in the foreign political activities of the Republic of Uzbekistan.

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Шохиста Амирова

Магистратура талабаси

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Республикаси, мудофаа, Ўзбекистон Республикаси Призидентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи, Афғон муаммоси, Тошкент конференцияси, Самарқанд конференцияси.	Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятида Марказий Осиё хавфсизлиги масалалари, чегарадош давлатлар билан муносабатлар, ўзаро алоқаларнинг ривож ва келгусидаги амалга оширилиши мумкин бўлган режаларни аниқлашга қаратилган.
--	---

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ВО ВНЕШНЕПОЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА

Шохиста Амирова

студент магистратуры

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Оборонная доктрина Республики Узбекистан, выступление Президента Республики Узбекистан на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН, афганская проблема, Ташкентская конференция, Самаркандская конференция.	Аннотация: В данной статье ставится задача определить вопросы безопасности Центральной Азии, отношения с приграничными странами, развитие взаимоотношений и планы, которые могут быть реализованы в дальнейшем во внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан.
------------------------	--	---

КИРИШ

Халқаро муносабатлардаги ҳозирги мураккаб шароитда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини янада чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсати олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё хавфсизлиги масаласи энг устувор саналганлигини ҳисобга олсак тадқиқот мавзуйимиз долзарб ҳамда ушбу мавзунинг ўрганиш муҳим саналади

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги сиёсати Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек: “Тинч - осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё - биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир”[1] ёндашувларга асосланган. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – ўз атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Кўриниб турибдики Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ташаббуслари ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан минтақа хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб амалий, муаммоларнинг келиб чиқиши, унинг олдини олиш борасида прагматик ташқи сиёсати ўзининг муҳофафза доктринасида ҳам белгилаб қўйган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг муҳофафза доктринаси тўғрисида”ги қонунида глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги — геосиёсий қарама-қаршиликнинг кучайиши, можаролар ва танг вазиятларни куч ишлатиб ҳал этишга бўлган ёндашувнинг устунлик қилиши, куч ишлатиш, шу жумладан оммавий қирғин қуролини қўллаш эҳтимоли ошганлиги, ҳарбийлаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм фаоллашганлиги, ахборот макони ва кибермаконда ўзаро кураш кучайганлиги билан тавсифланади[2].

Доктринада минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий хавфсизликнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, шу жумладан Афғонистондаги вазиятни тартибга солишга кўмаклашиш, трансчегаравий сув оқимлари ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнларини тугаллаш, экологик барқарорликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларга ҳамда табиий ва техноген хусусиятдаги трансчегаравий таҳдидларга эътибор қаратиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни кўриш, минтақа давлатлари ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;”[3] масалалари белгилаб қўйилган.

Ушбу бобнинг ўн биринчи бандида, “Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар сиёсатни олиб борар экан, ҳарбий можароларнинг олдини олишда фаол иштирок этишни устувор вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ташқи сиёсати учун яна бир илғор ғоя – “Марказий Осиё муаммоларининг ташқи кучлар аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилиши зарур”[4] лигини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ўта принципиал ёндашув бўлиб, Ўзбекистоннинг минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа турли муаммоларни ҳам ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида ҳал қилиниши тарафдори эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, минтақадаги мавжуд муаммолар ва масалалар Марказий Осиё халқлари томонидан ўзаро ҳамжиҳатлик ва муроса йўли билан ҳал қилиниши керак, четдан туриб бизга бу муаммоларни ҳеч ким ҳал қилиб беролмайди. Бу ғоя ташқи сиёсатимизнинг ўзагини ташкил қилади, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Президент Ш.М.Мирзиёев минтақанинг долзарб масалаларини биргаликда ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатларни мутлақо янги даражага кўтариш мақсадида 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, 2017 йилнинг ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам норасмий, алоҳида кун тартиби белгиланмайдиган Маслаҳат учрашувини ўтказиш форматини таклиф этган эди[5].

Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг конструктив ечимларини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгилаб берилган муносабатларнинг янги босқичи бошланиши бу 2018 йил 27 март куни Тошкентда Афғонистонда тинчлик жараёни бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияни ўтказиш имконини берди.

Қабул қилинган Афғонистон тўғрисидаги Тошкент декларациясида тинчлик жараёни учун бир қатор муҳим чора-тадбирлар ўз ифодасини топди.[6]

Анжуманда турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг 25 дан ортиқ вакиллари иштирок этди. Афғонистон ташқи ишлар вазири С.Раббоний Ўзбекистон Республикаси Президентига нафақат Афғонистонда, балки бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қўшган ҳиссаси учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Ҳужжатда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барча соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, яхши кўшничилик муносабатларини янада кенгайтириш каби мақсадлар қўйилган эди. Наркотрафикка қарши кураш ва давлатлар чегараларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди[7].

Афғонистон масаласида бундай ташаббуслар кейинги даврларда ҳам тўхтаб қолгани йўқ, 2020 йил феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев минтақавий хавфсизлик бўйича ўз қарашларини баён қилиб, АҚШ ва Афғонистон Толибон ҳаракати ўртасида имзоланган битим алоҳида аҳамиятга эга эканини ҳамда Афғонистон минтақанинг ажралмас қисми сифатида қаралиши ва Афғонистондаги муаммони ҳал қилмасдан минтақада тўлиқ хавфсизликка эришиш имконсиз эканлигини таъкидлади[8].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши Хавфсизлик ва ташқи сиёсатда яхши кўшничиликка йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш сингари масалалар кўзда тутилган[9].

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида 94-мақсад “Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги якин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш”[10] этиб белгилаб қўйилганлигининг ўзи Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги келгуси режалари борлиги ва бунда қатъий ҳаракат қилишининг тасдиғидир.

Мазкур Тараққиёт стратегияси, Ташқи сиёсий фаолияти Концепциясида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Марказий Осиё давлатлари билан олий даражадаги мулоқот ва икки томонлама ҳамкорликнинг барча форматдаги механизмлари асосида (хукуматлараро комиссиялар, сиёсий маслахатлашувлар, парламентлараро ҳамкорлик комиссияси ва бошқалар) йиғилишларни ташкил этилди. Ҳар йили мунтазам

ташқил қилинаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларинидаги фаол иштирок бунинг ёрқин намунасидир.

Шунингдек, Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишларини бошлаш, минтақавий ташкилотлар доирасида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини фаол илгари суриш, Ўзбекистон Республикасининг чегараолди назорат-утказиш пунктларини реконструкция қилиш ҳамда Марказий Осиёда экологик хавфсизликни таъминлаш вазивалари ҳам белгиланган.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантиришнинг муаммо ва истиқболлари миллий тадқиқот ва таҳлил марказлари ҳамкорлик фаолиятини ташқил этиш хавфсизликни таъминлашда ўз самарасини бериши айни ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак Ўзбекистон Республикасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти”, “Марказий Осиё халқаро институти”, “Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази”, “Тараққиёт стратегияси маркази”, “ШХТ халқ дипломатияси маркази”, “ШХТнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси”, каби сиёсий институтларнинг фаолият олиб бориши давлат ташқи сиёсати ҳамда минтақа хавфсизлигини таъминлаш борасида режа ва таклифлар ишлаб чиқишига замин яратади. Шу каби миллий тадқиқот ва таҳлил марказлари Қозоғистон Республикасида “Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти”, Тожикистон Республикасида “Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар институти”, Қирғизистон Республикасида “Қирғиз Республикаси Миллий стратегик тадқиқотлар институти” ва бошқа фаолият олиб боради. Умумий олиб айтадиган бўлсак минтақа давлатларида фаолият олиб бораётган шундай миллий тадқиқот ва таҳлил марказлари ҳамда сиёсий институтларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали Минтақада юзага келган муаммоларнинг ечимини топишда комплекс ёндашувга эришилиши мумкин. Бундан ташқари келажақда келиб чиқиши мумкин бўлган сиёсий, иқтисодий, миллий ва этник инқирозларни прогнозлаш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини кўриш бўйича комплекс хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш эҳтимоллари юқори.

ХУЛОСА

Тўпланган ва таҳлил этилган маълумотлардан умумий хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида бир неча ўн йилликларга арзийдиган ишларни амалга ошира олди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши кўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва

фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, бунинг тасдиқи ўлароқ унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти унинг миллий мустақиллиги, сиёсий ва иқтисодий эркинлиги, суверинитетини мустаҳкамлаш ва кескин ижтимоий-сиёсий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун пухта ишлаб чиқилган. Уни амалга оширишдаги прогматик очиклик асосида олиб борилаётган амалий ишлар мамлакатни минтақа тинчлигини таъминлашдаги нуфузини белгилаб бермоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги эришган қарийб ўттиз йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, мустақил ташқи сиёсат олиб бориш, давлатлараро муносабатлар йуналиши ва устуворлигини белгилаш, уни янада ривожлантириш, тинч-тотув яшаш тамойилларини барқарорлаштириш, тенг ҳуқуқли муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, кенг миқёсдаги кичик ва ташқи муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантиришнинг муаммо ва истиқболлари миллий тадқиқот ва таҳлил марказлари ташкил этиш ҳамда уларнинг мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш минтақа хавфсизлигини таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган бўлиб, ташқи сиёсий фаолиятнинг асосини минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан амалга оширилаётган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақа хавфсизлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши, ягона минтақавий кўп томонлама муносабатларнинг ривожланиши Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ютуқлардан саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. www.prezident.uz/uz/lists/view/1063
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўз.Рес. 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон. <https://lex.uz/docs/3107036>
3. Ташкентская декларация по Афганистану // МИД Узбекистана. URL: <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/03/14326/> (дата обращения 10.05.2020)
4. Процесс принятия «Ташкентской декларации» по Афганистану // МИД Узбекистана. URL: <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/03/14331/> (дата обращения: 10.05.2020)
5. МИД Узбекистана. URL: <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/02/23576/> (дата обращения 10.05.2020) Видение президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, о вопросах обеспечения региональной безопасности и пути решения афганской проблемы.

6. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.
<https://strategy.uz/index.php?news=1513>

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. www.prezident.uz/uz/lists/view/1063